

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ТЕМУР ФЕРМЕР ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Вилоятимиз пахтазорларида оммавий бошланган йигим-терим суръати кун сайин авж олиб бормоқда. Мавсумга аввалдан пухта тайёргарлик кўрилиб, терим иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратилган, уларга кўрсатиладиган барча хизматлар бевосита дала бошига кўчирилган фермер хўжаликларидан кунлик ўсишда энг юқори натижаларга эришилмоқда. Шундай илғор хўжаликлар давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси сотиш шартномасини биринчи барвақт бажара бошладилар.

Албатта, терим суръати даладаги ҳосил чўғига бевосита боғлиқ. Агар ҳосил баракали бўлса, теримда ҳам унум бўлади. Чиноз туманидаги "Озод-обод-Чиноз" фермер хўжалигининг 38 аъзоси буни амалда исботлашди. Улар қисқа фурсатда, энг муҳими – биринчи теримнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, шартнома мажбуриятини виллоятда биринчилардан бўлиб бажардилар.

– Тўғри, "Козонда бўлса, чўмичга чиқади", – дейди фермер хўжалиги раҳбари Темур Тошхўжаев. – Аммо, бободехқонларнинг "Даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб" дейишлари ҳам бежиз эмас. Мен бугунги ютуғимизнинг асосий омилли кейинги йилларда виллоят ҳокимлиги бошчилигида терим мавсумига олдиндан, чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда тайёргарлик кўриладигани ва, албатта, йигим-терим оғишмай отряд усулида олиб бориладиганида деб биламан.

Сидқидилдан қилинган меҳнат ҳеч қачон зоё кетмайди ва, албатта, кадр топади. Вилоят



ҳокими Аҳмаджон Усмонов "Озод-обод-Чиноз" фермер хўжалиги аъзоларининг ушбу юксак меҳнат ғалабасини муносиб қадрлаб, эсдалик совғаси билан тақдирлади.

– Камтарона меҳнатимизга нисбатан бундай эътибор бизни гоят руҳлантириб, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, – деди пировардида Темур Тошхўжаев. – Рағбатга

жавобан теримни бўшаштирмай, давом эттираямиз. Зеро, далаларимизда ҳали ҳосил мўл. Мақсадимиз – ҳосилдорликни камида 46 центнерга етказиш. Ўз муҳбиримиз.

СУРАТДА: фермер Темур Тошхўжаевга (ўнгда биринчи) виллоят ҳокимининг совғаси топширилмоқда.

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда ҳар бир соҳанинг янги ҳуқуқий асослари яратилиб, жумладан, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам босқичма-босқич

такомиллаштирилди. Натижада, сайлов тизимининг ҳуқуқий пойдевори демократик тамойилларга жавоб берадиган даражада мустаҳкамланди.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШДИ

Яқинда давлатимиз раҳбари имзолаган қонун ҳам айнан сайлов тўғрисида бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, сайлов референдумини ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда маъмурий жавобгарлик белгиланди. Сайлов кампа-

нияси жараёнида депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчи ёки сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳуқуқлари-ни бузиш, сайловолди ёки референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш тартибини бузиш, сайлов кампанияси даврида турли ахборот ва ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиш ёки пу-

тур етказиш, сайлов жараёнларини молиялаштириш тартибини бузиш каби масалалар юзасидан маъмурий жавобгарлик белгиланган бўлибди. Сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш тамойиллари самарасини оширишга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАННИ ШАРАФЛАШ – ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўладиган XVII Осиё ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ мамлакатимиз бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида еш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол воёга етказиш, Ватанимизнинг халқро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни омалаштиришга қаратилган давлатий эътибор самарасида мамлакатимиз спортчилари жаҳон арена-ларида юксак натижаларга эришмоқда.

2014 йилнинг 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Инчон шаҳри мезбонлик қиладиган XVII Осиё ўйинларида 300 нафарга яқин спортчи 32 спорт тури бўйича ўтказиладиган бахсларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларида тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори спортчиларимизнинг Осиё ўйинларида пухта ҳозирлик кўришида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Спортчиларимиз замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳорат ошириши, халқро мусобақаларда муносиб иштирок этиш учун барча шарт-шароит яратилди.

Осиё ўйинларида иштирок этадиган спортчиларимиз орасида Олимпиада ўйинлари

ва жаҳон чемпионатлари галиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ёш иқтидор эгаларининг ҳам қўлиги Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчилар тарбияланаётганидан далолат беради.

– Осиё ўйинларида Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш биз, спортчилар учун юксак шарафдир. Чунки ўз тақдирини Ватан тақдирини билан муштарак қўлиш – шу юртининг ҳар бир фарзанди учун катта бахт, – дейди дэюдо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров. – Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш чоғида халқро майдонларда эришадиган барча ютуқларимиз истиқлол туфайли эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири.

Касаначилик

ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ, РЎЗБОРГА БАРАКА

Умида Эшонкулова оиласи даромадига ҳисса қўишни истарди-ю, бироқ уй-рўзгор юмушлари, болалари тарбиясидан ортиб, бирор жойда ишлашга имкон тополмасди. Яқин-

да Зангиота тумани Эшонгузар қишлоғидаги "MAN JOY TOYS" масъулияти чекланган жамияти касаначилари сафига қўшилди. Энг асосийси, уйдан ҳам, ишдан ҳам қўнгли тўқ.

Бугун Ўзбекистонда касаначилик ҳаракати аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда ва барқарор даромад олиш имконини яратмоқда.

– Мен уйда турли йўйинчоқларни йиғаман, – дейди Умида Эшонкулова. – Даромадим нақд, меҳнат дафтарчамада иш стажига қўйилмоқда, кексайганда пенсия оламан. Давлатимизнинг биз аёлларга бундай имкониятлар яратиш берганидан хурсандман.

Корхона билан касаначилик ўртасидаги бундай алоқа оилалар даромадини ошириб, ишсизликни қисқартирмоқда, улар иш стажига эга бўлиб, пенсия, ижтимоий сугур-



та бўйича нафақа олиш ҳуқуқини қўлга киритмоқдалар. Касаначиликни ташкил этган корхоналар меҳнатга ҳақ тўлашда ягона ижтимоий тўловдан озод қилинади. Буюртма бўйича тузилган

шартномани бажариши учун касаначига техник фойдаланишга корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлардан мулк солиғи олинмайди.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

БАЛИҚЧИЛИК: ДАРОМАД ВА САЛОМАТЛИК

Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг балиқ маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш, тармоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мазкур соҳада фаолият юритаётган хўжаликлар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августда қабул қилинган "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йиллар давомида Тошкент вилоятида ҳам балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудуддаги сув ресурс-

ларидан унумли фойдаланилиб, табиий ва сунъий хавзалар барпо этилди. Ховуларнинг мелiorатив ҳолати тубдан яхшиланди.

Зангиота туманидаги "Дамачи

балиқ" масъулияти чекланган жамиятининг иши такомиллаштирилди. Қуйи Чирчиқда "Балиқчи" очик акциядорлик жамияти, Бўстонлиқда Тошкент хонбалиғи, Янгийўлда балиқчиликни ривожлантириш илмий тажриба станцияси, Чинозда балиқларга омхта ем тайёрлаш корхонаси ишга туширилди. Натижада балиқ етиштириш сезиларли даражада кўпайди. 2013 йилда етти минг тоннага яқин балиқ овлангани фикримизни тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

Учинчи минг йиллик ўзининг бутун миқёси, бекиёс тараққиёти, инсоният ҳаётидаги глобал ўзгаришлари билан бирга, жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Дунё халқро терроризм муаммосининг оммавий тарзда тарқалиши жараёнини бошдан кечирмоқда. Шу билан бирга, ушбу умумдунёвий таҳдиднинг моддий базаси мустаҳкамланиб, турли-туман ташкилотлари сони ўсиб бормоқда. Террорнинг тури ва шакли, усул ва услублари такомиллашмоқда. Террорчиларни ҳар томонлама юқори малакали қилиб тайёрлаш ва уларнинг сонини кўпайтириш жараёни тезлашмоқда.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Террорчилик ҳаракати маълум бир мамлакат муаммоси бўлиб қолмапти. У, халқро барқарорликка, умумсайёравий сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланишга тўсқинлик қилмоқда, таҳдид солмоқда. Шу билан бирга, бутун инсониятга кучли психологик босим ўтказмоқда. Терроризмнинг фожияли томони шундаки, у минг-минглаб беғуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритмоқда. Айни пайтда ушбу таҳдид жаҳон ҳамжамиятининг айрим минтақаларини эмас, бутун инсоният ҳаётини издан чиқармоқда.

Терроризмнинг кенг миқёсли байналминаллашувини 2001 йил 11 сентябрь воқеаларида қўриш мумкин. Ана шу кунни дунё терроризмининг глобал миқёсдаги янги қиёфасига гувоҳ бўлди. Гарвард университети профессори Г. Эллисон бу воқеани "гипертерроризм" ёки "мега-терроризм" деб атади. "Кора сешанба" номини олган ва бутун инсониятга мислсиз даҳшат ваҳшатларини солган ушбу террористик актининг мутлақо янги жиҳатларини қуйидагиларда қўриш мумкин:

Биринчидан, террорчилар томонидан қўйиладиган талабнинг йўқлиги. Анъанавий терроризм бунгача икки босқичли акцияни амалга оширар эди. Аввал талаблар илгари сурилади ва зўравонлик йўли билан қўрқитиш усулларини ишга солиб, даъволар қўндаланг қўйилади. Кейин эса талабларига эришиш учун

террористик актларни бажаришар эди. Сентябрь воқеаларида эса ҳеч қандай талаблар қўйилмасдан, огоҳлантирилмасдан, тўғридан-тўғри мақсад учун реал ҳаракат амалга оширилди.

Иккинчидан, таниқли сиёсатшунос С. В. Кортунов образли қилиб айтганидек, биз ҳаммамиз – бутун инсоният "шоу-террор"нинг мутлақо янги ҳодисасига гувоҳ бўлдик. Бу "шоу" энг юқори даражада инсониятни ахборий ва руҳий фалажлик ҳолатига солишга, давлатнинг асосий сиёсий, ҳарбий ҳамда молиявий рамзига айланган йирик шаҳарларнинг инфратузилмаларини издан чиқаришга қаратилган мисли қўрилмаган фожия эди.

Учинчидан, мазкур терактни амалга оширган асосий буюртмачиларнинг ўзи ҳам кўпдан-кўп усул ва услубларнинг мавжудлигидан қатъи назар, айни ана шу шаклдаги ҳаракатнинг биринчи гувоҳлари эдилар. Сиёсатшунос Г. Павловскийнинг фикрларига қўра, ушбу террорнинг ҳомиёлари бутунлай янги эътиқоддаги "тирик бомба"ларни – террорчи-камикадзларнинг конвейерини лойиҳалаштириш, қўриш, уни молиялаштириш борасидаги мутлақо бетакрор қарарларини намоён этишди. Бу глобал миқёсда тафаккурдаги тўнтариш, мафкуравий инқилоб, шу билан бирга умумдунёвий стратегик "бомбардимончилик"нинг ёрқин намоёиши бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Воқеа олдида

ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ўзининг бетакрор табиати, ҳушманзара масканлари, бой маданий мероси ва қадимий анъаналари билан хорижий сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Бу она дёбири-мизда экотуризмни ривожлантириш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ушбу соҳани кенг ривожлантириш мақсадида миллий дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётир.

(Давоми 2-бетда).



Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШДИ

Ривожланган фуқаролик жамияти сари қадам ташлар эканми, бу йўлда сайлов кампанияси таъминлари муҳим аҳамият касб этади. Кирилган ўзгариш ва қўшимчалар сайлов комиссияси ваколатларини янада кенгайтириш, унинг мустақиллиги қафолатларини мустаҳкамлашдан иборат бўлса, иккинчидан, асосий таъминларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилди. Масалан, ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансбдор шахсларнинг Марказий сайлов комиссияси фаолиятига аралашуши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисидаги нормалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга марказий ва ҳудудий сайлов комиссиялари

ри, референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик, уларнинг қарорларини ижро этмаслик, мурожаатларини қўриб чиқишни асоссиз рад этиш ҳамда қўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ҳолатларида мансбдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисларини очик-ошкора, сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказиш қўзда тутилган. Бинобарин, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, фаолиятининг асосий принциплари аниқ белгилаб берилди. Сайлов комиссияси аъзоси лавози-

мига номзодларга нисбатан талаблар қўйилганлигида. Марказий сайлов комиссияси раиси ва унинг ўринбосарлари гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг, аъзоларининг гувоҳномалари эса Қонунчилик палатаси Спикери билан келишилган ҳолда Сенат раиси томонидан имзоланиши белгиланган бўлган. Шу билан бирга Марказий сайлов комиссияси раисининг ваколатларини қўйишга мақсадиди сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун маблағларни тақсимлаш, халқаро ҳамкорликни таъминлаш, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш каби ваколатлари кенгайтирилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда юксак демократик талаб ва та-

моийларга амал қилиниши фуқаролик жамиятининг моҳиятидан янги босқичга кўтарилганидан далолатдир. Бу борада Халқ демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда парламентдаги фракцияси олдидан турган вазифалар яна бир бор қайта сарҳисоб қилинди. Жойларда ушбу масала юзасидан қатор сиёсий йиғилишлар ўтказилмоқда. Бошланғич ташкилотлар ва депутатларнинг ҳам масъулияти осиди. Сайлов кампаниясини бошлаш жараёнида қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ўз сайлов округларимизда яна бир бор сайловчиларимизга, партия электоратига етказиш қўзда тутилди.

Шухрат ТУРСУНБОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси депутати.

Пири бадавлатларимиз

ЁРУҒ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Ўрта Чирчик тумани Пахтакор қишлоғида узок умр кўриш, асосийси истиклолни кўриш, унинг неъматлари-

дан баҳраманд бўлиш бахти насиб этган 104 ёшли Ҳабиба момо истиқомат қиладилар.



Ҳабиба момо ибрат олса арзийдиган ҳаёт кечирди. Меҳнатқаш, сабот-матонатли она ўғиллари, ибрати туфайли ёлғиз қизи Назира ҳам пири бадавлат онахонга айланган. Истиклол шарофати билан аҳил-иноқ, фаровон турмуш кечирётган 6 ўғил, 6 келин катта хонадонни яшатиб, обод қилмоқда. "Беш-

бой" маҳалласи аҳли бу мустаҳкам оилаларни бирлаштирган фазилат хонадонга, унинг соҳибалари – 104 ёшли Ҳабиба момо, 68 ёшли Назира аяга ҳавас қилишадди. Бу хонадон келинларидан бири, шифокор Юлдузхон Худойбергано-ва шундай дейди:

– Қишлоғимиздаги энг обрўли хонадонлардан би-

рига келин бўлганимдан доим фараҳланиб яшайман. Меҳр-оқибатли фарзанд ўз оиласида ҳам ғамхўр ота, меҳрибон умр йўлдош бўла олади. Бунга бувиҳонимиз Ҳабиба момо ва қайнонам Назира аянинг дуолари, доно маслаҳатлари сабаб.

Мустақил мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилаётган гайрат-шиқватли ёшлар, мустаҳкам оилалар доимо давлатимиз эътибори, ардоғида. Президентимиз Фармонига кўра, момага юртимизнинг нуфузли мукофотлардан бири "Шухрат" медалининг топширилиши фикримиз далили.

– Бугунги дориларом кунларни кўриб яшаш насиб этганига шукр қиламан, – дейди Ҳабиба момо. – Халқимизга эркин ва обод ҳаёт, порлоқ келажакка ишонч ва умид берган истиқлолимиз барқарор, Президентимиз омон бўлсин. Энг улғу, энг азиз неъмат – мустақилликнинг, фаровон юртимизнинг қадрига етиш, асраб-авайланг, болажонларим!

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

ЁШ ОИЛАЛАРГА ШИНАМ УЙЛАР

Олмалик шаҳрида бунёд этилган "Ёшлар шаҳарчаси"нинг қиёфаси ўзгача. Бу кўркем ва фойдали уйлар, айниқса, ёш оилалар учун муносиб байрам тўғриси бўлди.

45 та хонадонга мўлжалланган бу иморатларни "TIME BUILD DING" масъулияти чекланган жамияти пудратчи ташкилоти қўсқа муддатда қўриб битказди. Халқ банкнинг шаҳар филиали пудратчи ташкилотга 100 миллион сўм кредит ажратди. Хонадонлар пардоздан қилиниб, ҳозир йўлаклар ва боалар майдончаси ободонлаштирилмоқда.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Қарор ва ижро

БАЛИҚЧИЛИК: ДАРОМАД ВА САЛОМАТЛИК



"Ангрешаҳаргаз" филиалидан таҳририятга маълум қилишларича, тайёргарлик жараёнида газ тақсимлаш пунктларини жиддий тафтишдан ўтказиш, газ қувурларини бир сидра қўздан кечириш, тозалаш, босимга чидамиллигини синаб кўриш ва бўяш каби зарур ишларга алоҳида эътибор берилди.

– Президентимизнинг "Республиканинг иқтисодий тармоқларини 2014-2015 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди белгилаб берилган муҳим вазифаларни вақтида ва беҳаму кўст бажариш мақсадида "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси куз-қиш мавсумига тайёргарлик режасини тузиб, вилот шахар ва туман филиалларига ижро учун тарқатган эди, – дейди "Ангрешаҳаргаз" филиали газ хўжалигидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Алижон Бўриев. – Биз

ушбу режа асосида ишлаб, белгиланган барча вазифаларни анча ортиғи билан бажардик.

Ҳақиқатан ҳам таҳририятга тақдим этилган маълумотномада келтирилишича, 58 та газ тасарруфидидаги ФНЛ газ тақсимот нукталарининг ҳаммаси тафтишдан ўтказилиб, мавсумда бенуқсон ишлайдиган ҳолга келтирилди. 15,2 километр (режага нисбатан 447 фоиз) узунликдаги газ қувурлари ҳаво ёрдамида тозаланиб, босимга чидамиллиги синаб кўрилди. 3 километр (250 фоиз) масофадаги қувурлар махсус асбоб ёрдамида текширувдан ўтказилди. 3,2 километр (246 фоиз) узунликдаги қувурлар зангшлаш қарши бўлди. Шунингдек, филиалнинг газ хўжалигидидаги барча ускуналар бенуқсон ишлашини таъминлаш учун мавсум давомида узлуксиз текшириб бориш режалаштирилган.

Самад Йўлдош.



– Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт ва имкониятлар туфайли юқори натижаларга эришмоқдамиз, – дейди вилот қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси масъул ходими Шакарбой Дехқонбоев. – Янги балиқчилик хўжалиқлари ташкил этиш, балиқ сотларини яхшилаш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жорий йилда балиқчиликка ихтисослашган хўжалиқлар сони икки юз элликдан ошди. Улар тасарруфидида 4 минг 880 гектар ҳавзага йил бошида оқ амур, карп, дўнгешона ва бошқа турдаги балиқ чавоклари ташланди. Улар яхши ривожланмоқда. Жорий мавсумда ўн минг тоннага яқин балиқ етиштириш режалаштирилган.

Балиқ етиштиришда омухта ёмнинг сифати ва ундаги оксил моддасининг тўйимлилик даражаси алоҳида ўрин тутди. Хўжалиқларнинг шу турдаги озуқаси бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида шахар ва туманлардаги омухта ем сотиш бирлашмалари қошида савдо шаҳобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Уларни махсусот билан таъминлашга Чинозадаги омухта ем корхонаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган йилларда мазукур корхонанинг ишлаб чиқариш биналари тўлиқ таъмирланиб, дастгоҳларнинг техник ҳолати яхшиланди. Бу ишлар махсусот ишлаб чиқариш сифати ва самардорлигини янада ошириш, ишчиларга қўлайлик яратиш, сарф-харажатларни қамайтириш имко-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумотларга кўра, айни пайтда дунёда 500 дан ортиқ нолегал террористик ташкилотлар мавжуд. Уларнинг қарашлари, сиёсий мақсад ва манфаатлари юксак идеаллардан узоқ, инсоният тараққиётига таҳдид солувчи бузғунчи ғоялардир. Биргина 2003 йили Россиянинг ўзиди 651 марта юқори маҳали террористлар томонидан жиноятлар содир этилди. Бошқача қилиб айтганда, терроризмдан зарар кўраётган мамлакатлар орасида Россия дунёда биринчилар қаторида туради.

Халқаро терроризм тизим жиҳатидан мустаҳкам, ўта қатъий тартиботларга эга бўлган ва ташкилий томондан юқори даражада такомиллашган ҳисобланади. Ҳозирги шариотда унинг асосий белгиларини қуйидагиларда кўриш мумкин: Ер шарини кенг миқёсда қамраб олиш; давлат чегараларига риоя қилимаслик; халқаро террористик марказлар ва ташкилотлар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик; ўта аниқ ташкилий тизимга эгалик; разведка ва контрразведка фаолиятининг юқори даражада ташкил этилганлиги; юқори таъминланганлик; катта тайёргарликка ва кўнмага эга бўлган ҳарбий базанинг мавжудлиги; ҳар томонлама пишиқ ва ҳушёрлик билан кадрлар танлаш тизимининг шаклланганлиги; ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва давлат органлари таркибиде етарли қўйишда айланишнинг мавжудлиги; энг замонавий техника билан таъминланганлик; ўқув базаларига, ҳарбий полигонларга етганлиги ва ҳоказолар.

Халқаро терроризм барча террористик ташкилотларни бирлаштирган ўзининг раҳбарлик органига, бошқарув тизимига, бўлим ва бўлимларининг фаолиятини аниқ режалаштириш таҳрибасига эга бўлган, тижорат, ҳарбий, конфессиянал ва мафкуравий жиҳатдан мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилган ахилт ва махобатли халқаро норасмий ташкилот ҳисобланади. Терроризмнинг асосий таянчи ва уни озиклантирувчи манба жамиятдаги аҳолининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан маълум бир мўлжалларга, аниқ мақсадларга эга бўлмаган қатлами – сиёсий маданияти паст, эътиқоди ва мафкуравий иммунитети заиф бўлган одамлар ҳисобланади. Шунингдек, терроризм жамиятдаги маълум ўткинчи камчилик ва нуқсонлардан, ҳуқуқий тизимнинг самарасизлигидан ҳамда жамоатчилик назорати институтлари фаолияти заиф бўлган ҳолатлардан унумли фойдаланади.

Кейинги йилларда миллий ва диний экстремизм кенг ривожланди. Диний эътиқод сўст, узокки кўра олмайдиган одамлар уларга қўшилиб кетмоқда. Бу ислом ақидапарастлиги билан боғлиқ бўлган жуда катта умумдунёвий диний экстремизмнинг ривожланишига олиб келмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Этник экстремизмнинг асоси сифатида жамиятда мавжуд турли этносларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тенгсизлиги, этник озчиликни ташкил этган аҳоли қатламнинг миллий мақоми ва ҳуқуқий меъёрларнинг камситилганлиги сабаб бўлмоқда. Диний ва этник терроризм ана шу иллатлардан самарали фойдаланиб, жамият маънавий-руҳий муҳитига жиддий таъсир этади, уни издан чиқаради. Турли конфликтлар ва моҳароларнинг келиб чиқишини ташкил этади, йўналишлари, бошқарилади. Бундай салбий ҳолатлар, ҳусусан бир қатор ислом мамлакатларида мавжуд.

XXI аср остонасида халқаро ядро терроризми хавфи тобора кучаймоқда. Ядро

Маънавият

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

қуролига эга бўлган давлатлар сонининг кўпайиши, ядро хавфсизлигини ва ядро қуролларидан фойдаланувчиларни назорат қилишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги террористик ташкилотлар раҳбарларига қўлайлиқлар яратмоқда. Ядро объектилар, ядро ва реактив махсусотлар ҳамда уларни террористик ташкилотлардан ҳимоя қилиш тизими фаолиятининг қонирқонизлиги жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. 2005 йил 13 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси "Ядро терроризмига қарши конвенция"ни қабул қилди. Ушбу ҳужжатда атомдан тинчлик йўлида ва шунингдек, ҳарбий мақсадда фойдаланишни тартибга солиш билан бирга террорчиларга қарши ҳимоя тизимини яратиш зарурлиги айтилган. Унда "қўлбола" ядро қуроллардан фойдаланиш, ядро терроризмининг ташкил этувчиларни назорат қилиш алоҳида таъкидланган.

Жаҳон ҳамжамиятини ҳали халқаро терроризм фаолиятини бутун муҳияти билан баҳолайдиган, унинг чегараларини белгилайдиган аниқ тизим йўқлиги ташвишга солмоқда. Шундай бўлсада, бу борада жиддий ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жумладан, 2001 йил 24 сентябрда Европа Иттифоқи Кенгаши терроризмга қарши курашга доир қарар қилиб қабул қилди. 2002 йили Европа комиссияси томонидан терроризмга қарши қарор қабул қилинди. Унга кўра, ЕИГА аъзо ҳар бир давлат БМТга ўз тақлиф ва

тавсияларини бермоғи лозим.

2005 йили БМТ доирасида "Трансмилий жиноятчилик ташкилотларига қарши" ва "Терроризмни молиялаштиришга қарши" Конвенциялар қабул қилинди.

БМТнинг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясига мувофиқ илмий тадқиқотларнинг янги тизимини яратиш йўлга қўйилмоқда. Жумладан, кимё, биология, генетика, молекуляр биология ва биокимбернетика соҳасида бутунлай янги технологияларни яратиш, террорчилик тизимига уларнинг кириб бормаслиги чораларини кўриш белгилаб берилди. Чўнки, сув таъминоти ва табиий неъматларни захарлаш, хавфли бактерияларни озик-овқат маҳ-

бузишдир. Бу ҳозирги замон цивилизациясининг имкониятларидан бири. Зотан, ҳар қандай мақсадга оммавий ахборот воситаларисиз эришиш мумкин бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам террорчилар телевиденининг таъсир ва овози орқали одамлар ҳиссий ва руҳий оламига таъсир ўтказиш имкониятларидан унумли фойдаланмоқдалар. Ана шу йўл билан улар фаолият микёсини кенгайтириб, жамоатчилик қалби ва онига таъсир ўтказиш йўлидан бормоқдалар.

Мутахассисларнинг ҳулосаларига кўра террорчилар ОАВдан барча зарур техник методологик ва аналитик стратегик ахборотларни олишадди. Жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни қийсий-таҳлилий ўрганиб, аниқ ҳаракат дастурини тузишадди.

Кейинги йилларда террорчилик ташкилотлари ва гуруҳлари глобал компьютер тармоғи – интернетдан кенг ва самарали фойдаланишмоқда. Унга ташкилотлари фаолияти доир ахборот ва маълумотларни батафсил жойлаштиришмоқда. Ўз сайтиларини доимий равишда бойитиб, интернетнинг кенг имкониятларини ўзлаштиришмоқда. Етақчиларининг мақсад ва ғоялари, мафкуравий қарашлари, кураш усули ва услубларини зўр бериб тарғиб қилишмоқда.

Масаланинг жиддий томонини шундаки, бугун дунёда амалий жиҳатдан интернет фаолияти мутлақо назорат қилинмаётти. Бирон бир ҳукумат, ҳуқуқ-тартибот органлари бу ишга аралашмаётти. Уни назорат қилишнинг аниқ механизмин, бошқаришга доир сиёсий, мафкуравий ва ташкилий тизимнинг яратилмаганлиги муаммони тобора чуқурлаштиришмоқда. Интернет орқали халқаро мулоқот ва алоқаларнинг йўлга қўйилиши туфайли глобал компьютер тармоғи ҳаммага – ақлли учун ҳам, аҳмоқ учун ҳам, бунёдкор, яратувчи инсон учун ҳам, вайронкор ёки террорчи учун ҳам бирдай хизмат қилмоқда. Интернет фаолиятини тартибга солиш умумдунёвий муаммоларнинг муаммоси бўлиб қолмоқда. Бу, ўз-ўзиндан, ахборот хавфсизлиги соҳасида маълум назорат вазифасини бажарадиган, уни умумдунёвий микёсда мувофиқлаштириб турадиган қонунлар тизимини яратишни, айни пайтда ушбу қонунлар ижросини таъминлайдиган бошқарув маҳкамасини тузишни эҳтиёжга айлантирмоқда.

Шундай қилиб, терроризмга қарши кураш билан боғлиқ вазият аста-секин ўзгармоқда. Жаҳон ҳамжамиятида қўлбал давлатлар терроризмга қарши курашда ҳамкорлик қилиш, ҳамжихатликда унга зарба бериш чораларини кўришмоқда. Албатта, бу ҳамкорлик ўз самарасини бермоғи керак.

Нарзулла ЖУРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор.

Касаначилик

ИШ СТАЖИГА ҚЎШИБ, РЎЗҒОРГА БАРАКА

Республика Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаб, касаначилар учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Вилот мекхат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, бу таърибларнинг қўлш, қиринди. Янгиёғилдаги балиқчиликни ривожлантириш илмий таҳрибасида насли балиқ турларини қўпайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур станция қошидаги хўжаликда 50 миллион донна карп ва ўсимликхўр балиқ личинкасини олиш қувағига эга инкубация цехи мавжуд. Цехдаги балиқ сақланадиган туртта ҳавза ишча ва пластик қопламалар билан жиҳозланди. Осётр ва лақа балиқларнинг личинкаларини интенсиив усулда ўстириш йўлга қўйилди.

Вилот ва пойтахт аҳолисининг ушбу парҳез таомга

бўлган эҳтиёжини қондиришга ўрта Чирчик туманидаги "Азиз Дибёр балиқ" фермер хўжалиғи ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хўжалик раҳбари Азиз Файзуллаев тижорат банкнинг 100 миллион сўм кредити эвазига 24 гектар майдонда сунъий ҳавза барпо этди. Беш нафар ёш ишга олиб, балиқчилик билан шуғулланишга киришди.

– Бу йил ҳам балиқнинг сазан, дўнгешона турларини бокмоқдамиз, – дейди фермер. – Жорий мавсумда элимиз дастурхонига ўттиз тоннага яқин балиқ етказиб беришни мўлжалламоқдамиз.

Вилотда балиқчиликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида "Охангарон" сув омбори ҳамда "Тошкент" денгизда балиқ захирасини тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илғор таҳрибларнинг қўлш, қиринди. Янгиёғилдаги балиқчиликни ривожлантириш илмий таҳрибасида насли балиқ турларини қўпайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур станция қошидаги хўжаликда 50 миллион донна карп ва ўсимликхўр балиқ личинкасини олиш қувағига эга инкубация цехи мавжуд. Цехдаги балиқ сақланадиган туртта ҳавза ишча ва пластик қопламалар билан жиҳозланди. Осётр ва лақа балиқларнинг личинкаларини интенсиив усулда ўстириш йўлга қўйилди.

Вилот ва пойтахт аҳолисининг ушбу парҳез таомга

Нозима АРСЛОНОВА,
Ўзбекистон Миллий
университети
талабаси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Партиялар ҳаётидан

ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИ!

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Зангиота туман кенгаши хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Маҳалла ва партия фаолилари, ёшлар иштирок этган тадбирда бугун ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, эришилган муваффақиятлар ва бунинг дунё ҳамжамияти томонидан эътирофи ҳақида гапирилди.

Туманимиз ёшлари уч-тўрт йилдирки, спорт, маданият, санъат соҳасида катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар, — деди туман партия кенгаши раҳбари

Ҳакима Назарова. — Ёшларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширдик. Бугунги мавзунимиз ҳам ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббатини янада юксалтириш, чексиз садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Тадбир сўнггида маҳалла фаоллари, ёш ижодкорлар Ватанимиз мадҳ этувчи шеърларидан ўқиб беришди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия кўмитасининг кенгайtirилган йўналиши бўлиб ўтди. Унда ЎзЛиДепДан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар иштирок этди.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Йўналишда 2014 йилги сайловлар олдинги-ларидан сифат жиҳатидан мутлақо фарқ қилиш таъкидланди. Шунингдек, партиянинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари режаси кўриб чиқилди. Тадбирда сўзга чиққанлар партия фаолиятини янада кенг ёритиш, ўтган

си яратилганини таъкидлашди.

Тадбир сўнггида сайлов кампанияси бошланиш муносабати билан партиянинг ушбу муҳим сиёсий жараёндаги иштирокини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди.

Наргис ҲАСАНОВА.

Саломат бўлинг

ҚОҲҚОҒИ ШИШГАН КОНСЕРВА — ХАВФЛИ!

Ботулизм овқатдан захарланиш оқибатида юз берадиган касалликдир. У асосан марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади. Оқибатда асаб-мушак фалажига олиб келади ва ҳатто ўлим билан тугаши мумкин.

Ботулизм таёқчасининг қаерда бўлиши ҳалигача номаълум. Унинг споралари озиқ-овқат маҳсулотлари кўпчилигида ҳам, узоқ муддат музлатилганда ҳам ривожланиши мумкин. Улар учун ҳатто 180-190 даража совуқ пайсанд эмас.

Ботулизм таёқчалари сув, тупроқ, мева ва сабзавотларда кўп учрайди. Консерва тайёрлаш технологиясига риоя қилмасдан, гўшт ва балик дудлашда, қолбаса тайёрлашда, ҳатто ҳаво кирмайдиган шaroитда ҳам ботулизм таёқчалари ривожланиш, кучли захар ажратди. Мева ва сабзавотлар қушиқ маскур учун ёпиллаётганда, эскирган маҳсулотлар ишлатилиб, 10 фойиздан кам ош тузи қўйилса ва улар ҳаво алмашмайдиган, иссиқ жойларда сақланса, ботулизм таёқчаси ривожланиб, захар чиқара бошлайди. Бунда ишлатилган қолпоқни кўтарилиб, ичидида масалликнинг суви хиралашиди. Мева ва сабзавотлар эса,

юмшаб қолади. Айрим ҳолларда қолпоқ оғир касалликнинг оқибатида ҳамда меъдада оғирлик сезади, оғиз қурийдик, ҳолсизланади. Қўзи хиралашиб, олдида туман ёки "тўр" пайдо бўлаётганидан шикоят қилади. Нарсалар қўшалоқ бўлиб кўринад.

Одатда, касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг кўнгли айналди, қусадик ҳамда меъдада оғирлик сезади, оғиз қурийдик, ҳолсизланади. Қўзи хиралашиб, олдида туман ёки "тўр" пайдо бўлаётганидан шикоят қилади. Нарсалар қўшалоқ бўлиб кўринад.

Касалликнинг оғир кечувчи шаклларида беморга вақтида тиббий ёрдам кўрсатилади, танасига махсус зардоблар юборилмаса, орак фаолияти ва нафас олиш жараёни кескин бузилиши оқибатида у ҳайдан кўз юмиши мумкин. Чунки, ботулизм таёқчасидан ажралган захарнинг марказий асаб тизимига бевосита таъсири ўта хавфлидир.

Ботулизм касаллигининг ол-



дини олиш ўз қўлимизда. Бунинг учун мева ва сабзавотлардан консерва тайёрлаш, балик дудлаш ва қолбаса ишлаб чиқариш технологиясини билмай туриб, бу ишга қўл урмаслик зарур. Фақат сараланган мева ва сабзавотларни консервациялаш. Уларни тозалаб ювиш, солаётган ош тузигиз 10 фойиздан кам бўлмаслиги ва ҳар бир банкага укус (сирка) қўйишни унутмаслик керак. Тайёрланган консерваларни қуруқ, ҳаво яхши айланмайдиган жойларда сақлаш маъқул.

Эслатиб ўтамиз — мабодо ботулизм белгилари пайдо бўлса, зудлик билан шифокорга мурожаат этишни унутманг.

А. ИСМОИЛОВ,
вилоят ДСЭМН
санитария врач.

Матбуот анжумани

ОЗОН МУАММОСИНИНГ ЕЧИМИ БОР

Ҳар йили 16 сентябрь — Бутунжаҳон озон қатламиди муҳофазаси қилиш кунига айланиб боради. Бу йил махсус тадбир "Озон қатламиди муҳофазаси қилиш миссияси давом этади" шiori остида ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонд билан ҳамкорликда "Поитхат" бизнес марказида матбуот анжумани ташкил этди.

Озон қатламиди емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколи атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш соҳасида амалга оширилган қўшувлар ичида энг самарали ва кўп томонламали деб тан олинган. Бугун-

ги кунда протоколни амалга оширишда айниқса, маҳаллий, саноат ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида озонни емирувчи моддалардан фойдаланишни босқичма-босқич қисқартириш орқали қатлам қайта тиклан-

моқда. Аср ўрталарига бориб у батамом тикланиши кутилмоқда.

Маълумотларга кўра, озон қатламиди муҳофазаси қилиш ва тиклаш чора-тадбирлари натижасида 2065 йилга бориб 6,3 миллион кишининг тери саратони билан касаллигининг олди олиниб, аҳоли соғлигини сақлаш соҳасида битта мамлакатда ўртача 4,2 триллион АҚШ доллари иқтисод қилиниши мумкин.

Хурида МУМИНОВА.

Олов — тилсиз ёв

МУЛКНИНГ КУЛГА АЙЛАНМАСИН

Олов учун мулкнинг қатта-кичиги бўлмади. У аланга олган, ҳар қандай қимматли мулк қулга айланиши мумкин. Шундай ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун ИИБ ЁХБ ёнгина қарши қўйидаги чора-тадбирларга риоя қилинишига сўрайди:

— газ ўчоқлари жойини ўзбошимчилик билан ўзгартириш тақиқланди;

— уйдан чиқиб кета туриб, газни ўчиришни унутманг;

— болаларни уйда ёлғиз қолдирманг;

— махсус рўқсатсиз қўшимча хона, гараж ва бошқа қурилиш ишлари бажарилиши ман этилади;

— электр ўлов мосламаларида қўлбола ускуналар, сақлагичлардан фойдаланманг;

— уйнинг ёнувчи қисмларидан (айвон, том, бўғот, шифт) электр қувватини ўтказувчи симларни махсус қопламалар (елим енг, труба) ичидан ўтказинг;

— бензин, бўёқ, керосин

каби тез ёнувчан моддаларни темир идишларда, болалар қўли етмайдиган жойларда сақланг;

— унутманг, ўринда ётиб чеккиш ҳаёт учун хавфлидир.

Ҳар биримиз ёнган хавфсизлиги қондаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимизни ҳамда шахсий мулкимизни ёнган офатидан асраган бўламиз.

Серик ЖУМАНОВ,
Миробуд тумани
ИИБ ЁХБ инспектори.

"Respublika mulk markazi" ЁАЖ қўйидагиларни маълум қилади! "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 16.08.2014 йилдаги 66-сонидан чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига қўйилган "Елимлаш қурилмаси (определённые оборудования)" - 1 дона, "Нотужима материал ишлаб чиқариш қурилмаси" - 1 дона, "Крандинг титиш машинаси (челсальная машина Крандинг)" - 2 дона, "Титиш станогини (челсальный станок)" - 1 дона, "Мажмуаий (комплексный) титиш станогини" - 1 дона, "Киркиш станогини (резальный станок)" - 1 дона, "Игна уриш станогини (иглопробивной станок)" - 2 дона, "Нотужима гилан линияси (нетканная ковровая линия)" - 1 донадан иборат ишлаб чиқариш станоклари ва қурилмалари бўйича аукцион савдоси тўхатилганини маълум қиламиз.

Савдон тўхатилишга асос: Тошкент вилояти Олмалик шаҳар суд ижроичилари бўлимининг 11.09.2014 йилдаги 6751-сонли ҳати. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақашли кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52.

Вниманию потребителей электроэнергии! Вводятся в действие с 1 октября 2014 года Виды тарифов и группы потребителей "Электроэнергия"

I группа
Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВт и выше

Двухставочный тариф:
плата за 1 кВт максимальной нагрузки в год - 237 780 сум
плата за 1 кВт-ч потребляемой энергии - 112 сум 80 тийин

II группа
Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВт

Одноставочный тариф:
- 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

III группа
Производственные сельскохозяйственные потребители, в т.ч. насосные станции, финансируемые из бюджета - 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

IV группа
Электрифицированный железнодорожный и городской транспорт (электропоезда) - 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

V группа
Непромышленные потребители, бюджетные организации, уличное освещение городов - 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

VI группа
Организации торговли, кафе, рестораны и сфера услуг - 147 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

VII группа
Население, населенные пункты - 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

VIII группа
Электрическая энергия, используемая на нужды отопления, горячего водоснабжения и охлаждения (кондиционирования) - 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

IX группа
Реклама и иллюминация - 152 сум 25 тийин за 1 кВт-ч

X группа
Хозяйственные нужды энергосистемы - 144 сум 30 тийин за 1 кВт-ч

Примечание:
1. Настоящие тарифы установлены с учетом налога на добавленную стоимость.

2. С введением в действие настоящего реестра тарифы на электрическую энергию, реестр от 17 марта 2014 года № 19-03-22-05-РУ-12-2014 утрачивает силу.

ОАО "Тошкент электр тармоқлари."

Чирчик шаҳар ҳокимлиги томонидан 04.07.2014 йилда № 089/4316 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CHIRCHIK BUUYK SAVDO" МҲЖ тарихига Чирчик шаҳар ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "ZAR-FARZONA-SERVIS" МҲЖ, "CHIRCHIK GORNYAK LYUKS" ХК ва "ROXILABONU OSIYO MALIKASI" ХКлар қўйилиши маълум қилади. "MARRY STONE" МҲЖ, "ZAR-FARZONA-SERVIS" МҲЖ, "CHIRCHIK GORNYAK LYUKS" ХК ва "ROXILABONU OSIYO MALIKASI" ХКларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даво ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчик шаҳар, 2-йил, 5-хонадон манзилда ёки (+99899) 300-59-11 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Чирчик шаҳар ҳокимлиги томонидан 02.07.2014 йилда № 089/4317 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CHIRCHIK SHANLO BIZNES" МҲЖ тарихига Чирчик шаҳар ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "NIGON CHIRCHIK SERVIS" МҲЖ ва "PLATINA TRADING" ХКлар қўйилиши маълум қилади. "CHIRCHIK SHANLO BIZNES" МҲЖ "NIGON CHIRCHIK SERVIS" МҲЖ ва "PLATINA TRADING" ХКларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даво ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчик шаҳар, Х. А. Вали кўчаси, 4-йил, 2-хонадон манзилда ёки (+99891) 770-30-06 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Чирчик шаҳар ҳокимлиги томонидан 04.07.2014 йилда № 089/4316 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MARRY STONE" МҲЖ тарихига Чирчик шаҳар ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган "ZAR-FARZONA-SERVIS" МҲЖ, "CHIRCHIK GORNYAK LYUKS" ХК ва "ROXILABONU OSIYO MALIKASI" ХКлар қўйилиши маълум қилади. "MARRY STONE" МҲЖ, "ZAR-FARZONA-SERVIS" МҲЖ, "CHIRCHIK GORNYAK LYUKS" ХК ва "ROXILABONU OSIYO MALIKASI" ХКларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даво ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчик шаҳар, 2-йил, 5-хонадон манзилда ёки (+99899) 300-59-11 телефон рақами орқали қабул қилинади.

"TARNES ENERGO KABEL" ҳусусий корхонаси шу ном билан маълумиятни чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

"GRAND SOLARIS GROUP" МҲЖ, "TOSKANA SOLARIS" МҲЖ, "INTER SLAMUN SAVDO" МҲЖ, "ASIA-GOLDEN GROUP" МҲЖ, "STANDART BREND" МҲЖлар "OSTER TRADING" МҲЖ тарихига бирлаштини маълум қилади. "OSTER TRADING" МҲЖ уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Чиноз тумани ҳокимлиги ҳузурида ТСРҲ томонидан 09.03.2011 йилда № 37/2352 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CHINZO ORIGINAL FARM" ҳусусий корхонасининг тақсими ҳуқуқий шакли маъсулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади ҳамда барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО "MEGA FOOD BUSINESS" (ИНН 302192045), зарегистрированное ИПСР хохимията Шайхонхоро району г. Ташкента за реестр № 005701-09 от 31.01.2012 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Успенский район, ул. Фархад, дом 23, ЛКВДИДИРУЕТСЯ (решение собрания учредителей № 2 от 10.09.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по телефону: 286-12-95.

Тошкент шаҳар Юнусовод тумани ТСРҲ томонидан рўйхатга олинган "DIYORA-ZIVODA" МҲЖнинг устав жамгармиси 100 000 000 сўмдан 50 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даво ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб 534-93-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусовод тумани ТСРҲ томонидан рўйхатга олинган "OMEGA LUX FORTUNA" МҲЖнинг устав жамгармиси 66 720 000 сўмдан 45 520 000 сўмга камайишини маълум қилади. Даво ва аризалар эълон қилган кундан бошлаб 176-84-57 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ООО "ASIA ART STYLE" (ИНН 302436784), зарегистрированное ИПСР хохимията Мирзо Улугбекского району г. Ташкента за № 007748-04 от 11.12.2012 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Мустакиллик 77, кв. 50, ЛКВДИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей № 1 от 10.06.2014 г.). Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по телефону: 286-12-95.

ООО "RENTAL CONSULTING SERVICE" (ИНН 302532523) в связи с уменьшением доли в уставном фонде участника общества Д. С. Абдурахманова сообщаем об уменьшении уставного фонда с 1 400 000 000 сум до 1 000 000 000 сум. По всем вопросам обращаться по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Махзуна, типик 1, дом 14-А.

ООО "VIP-GOLDEN-EXPRESS" Алмазарского району г. Ташкента реорганизована в семейное предприятие "VIP-GOLDEN-EXPRESS". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Саган, махалла "Пахта", дом 24.

Утеруюню крупную печать и угловой штамп, выданный ООО "FIZZY MILK FOODS SYSTEMS" (ИНН 302687884) Сергелийского району, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ. Телефон: (+99893) 999-76-74.

ЭКОТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тянь-Шань ва Чотқол тоғ тизмаларининг Курама, Пском, Угом тоғлари ораллигида жойлашган ҳудудда беш юздан зиёд маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган. "Чотқол" давлат биосфера қуриқхонаси, Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи, тоғли ҳудудлардаги тош ҳайкаллар ҳамда ўзига хос тасвирий санъат галереяси бўлган қрошто битиклари, Пискент, Оққўрғон ва Охангарон туманларидаги Шохрухия, Хонқа археологик ёдгорликлари, Саур тепа, Шодмалик ота ва Сардоба қайнар маҳмуалари, Қирққиз, Сормозор ва Парпи ота қадимжолари шулар жумласидандир.

Тошкент вилоятида ҳам экотуризмни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерга келиб-кетувчи сайёҳларнинг табиат қўйнида унга зарар етказмаган ҳолда мароқли ҳордиқ чиқариши, ажиб масканларнинг бетакор гўзаллигидан баҳра олиши, наботот ва ҳайвонот оламиди нодир намуналари билан яқиндан танишиши учун қулай шароитлар яратилган.

Буни Бўстонлик, Паркент ва Охангарон туманлари ҳудудидида тоғ, ўрмон, яйлов, табиий сув хазиналари, суғориладиган ва лалии ерларини ўз ичига олган Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир қатор санатория, пансионат, дам олиш ва болалар соғломлаштириш масканлари, қуриқхона, овчилик, ўрмон ҳамда фермер хўжаликлари жойлашган махсус ҳудуд Марказий Осиёдаги энг йирик миллий боғлардан бири ҳисобланади.

Бог мўтадил иқлими, табиий ва қадимий ёдгорликлар билан икки ва ташқи сайёҳлар диққатини ўзига жалб этади. Сайёҳлар ҳордиқ чиқариш билан бирга, каттакич қўллар, ажиб шаршалар, минтақамизнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган петроглифлар ва қадимий тарихий обидаларга бой ушбу масканда 2 мингга яқин ўсимлик, икки юздан зиёд ҳайвон турлари билан танишиш мумкин.

— Ҳудудимизда туризмнинг тоғ-чамаи, альпинизм каби

Вилоят ҳокимлигининг иқтисодий бош бошқармасидан маълум қилишларича, 2013-2015 йилларга мўлжалланган тегишли дастурда кўзда тутилган ишларни амалга ошириш учун 77,7 миллион АҚШ доллари сарфланади.

— Бунинг самарасида вилоят сайёҳлик салоҳиятини янги қирралари очилади, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Тошкент вилояти минтақавий бўлими мухассиси Жамшид Ғозиев.

Ҳудуддаги қадимий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжолар реконструкция қилиниб, асл ҳолига келтирилади. Сайёҳлик марказларига элтидиган янги йўллар қурилади, махсудлари кенгайтирилади. Туризм объектиларнинг инфрақурилиши модернизация қилинади. Сайёҳлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида туристик марказларга яқин ҳудудларда замонавий меҳмонхоналар, туризм хизмат кўрсатиш шабоҳчалари бунёд этилади.

Айни кунларда вилоятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 21 июлда қабул қилинган фармойишига мувофиқ ўтказилдиган "Ипак йўлида туризм" йиғирмачи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасига қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Бундай улуғвор ишлар ижтимоий-иқтисодий барқарорликини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-этиборини янада ошириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишчи ишлохларнинг амалдаги ифодасидир.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА муҳбири.

Эгрилик ҳамиша панд беради

УЧАРЛАРНИНГ ОВИ ЙОРИШМАДИ

Азал-азалдан ўғрилиқ оғир жиноят саналади. Ўғри, нафақат ўғанининг мол-мулкни ноқонуний ўзлаштириш, балки унга кўр-кўро кўз олайтириш ҳам исноддир. Лекин, афсуски, жамиятда яратилган имконият ва шароитлардан

оқилона фойдаланиб, ҳалол меҳнат билан эл-юрт манфаатларига беминнат хизмат қилишни ўзига эл билмай, енгил-елпи даромад топиш илминини қабиҳ жиноятларга қўл урувчи кимсалар ҳам учраб туради.

туфайли, икковлон бу ишга астойдил шўғиб кетишди.

Улар гўё машинада сайр қилаётган киши бўлиб, чор-атрофини зимдан кузатиб, қўлай жой ва шароит туғилиши билан ёлғиз юрган пидбаларни мўлжалла олиб, уларнинг қимматбаҳо буюмларини қўлга қиритишни кўзлашадди. Туманининг "Обиназар" маҳалласида йўловчи Феруза Девонновани бўйинидаги қиймати 1 миллион 300 минг сўмлик тилла занжирини олиб олиб, воқеа жойидан яши-

ринишади.

Бундан ташқари, улар зўравонлик ҳатти-ҳаракатлари билан гоҳ кундузи, гоҳ тунда разил ишларини давом эттирганлар. Жумладан, меҳмондорчиликдан қайтаётган эл аёл ҳам бу йўналишнинг эътиборидан четда қолмади. Аёллар йўловчи таксига чиқиб, манзилларига етиб келганларида орталардан "овчи шовво"лар таъкиб этиб келаётганини билишмаганди. Икки аёл кўп қаватли уйларнинг бирига қириб кетишга

нида, учинчи аёл — Шоира Обидова эндигина уйи йўлаги томон бурчилганда қимдир бўйнидаги тилла занжирини олиб қочди. Қаловланиб қолган аёл то ўзига келгунча, ўғри кўздан го-йиб бўлганда.

Ш. Обидова дарҳол туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этди. Тезкор гуруҳ ишга киришди. Уларнинг сайёҳаракати билан жиноятчилар изи топилиб, ашөөий далиллар билан қўлга олинди.

Суд Ж. Дўсмұхамедовага жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқдор бўлиб, қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, жабрланувчи Ш. Обидовага етказилган моддий зарар қоплангани, шунингдек, Ф. Девоннова-

нинг тилла буюми қайтарилгани, муқаддас судлангани, тасдиқланган қасддан жиноят содир этганини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан айбдор деб топиб, етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Жиноят жазосиз қолмади. Ойилли, фарзандли бўла туриб, бирор касбининг бошини тутмаган Жамолдиннинг бир неча бор берилган имкониятлардан тўғри хулоса чиқаради. Оқибатда унинг борар жойи панжара орти бўлди. Энди бемаъни ҳо-ҳаваслар яхшиликка олиб келмаслигини кеч бўлса-да, англаб етса ажаб эмас.

Ҳасан МИРЗАРАҲИМОВ,
Шайхонтоҳур туман
прокуратураси катта
терговчиси.

ЭЪЛОНЛАР

КАДРИЯТ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Алишер Навоий номидаги кино саройида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун "Ота" бадиий фильмининг намойиши ва ижодий жамоа иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва уларнинг саломатлигини мустақамлашга қаратилаётган эътиборни янада кучайтиришга қўмаклашадиган оила мавзусига бағишланган фильмлар яратишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.


"Ўзбекистон" Миллий агентлиги буюртмаси бўйича "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган фильм халқимизнинг инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бегаразлик ва эзгулик каби хислатлари ҳақида ҳикоя қилади. Чунинчи, фильмда отанинг фарзандга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиши акс эттирилган.

Собир ака ва унинг кенжа ўғли Муроджон фильмининг бош қаҳрамонларидир. Ота узоқ муддатли мажбурий айрилиқдан сўнг оиласига қайтиб, ўғли Муроджоннинг автохалокатдан кейин юрولмай қолганини кўради. Ўз вақтида фарзандлари тарбиясига эътибор қаратмагани ва уларга ғамхўрлик қила олмаганини англаб етади. Шундан сўнг касалликдан фориғ бўлиш йўлини топиш учун ўғли билан мамлакатимиз бўйлаб сафарга чиқади. Улар йўлда кўплаб ҳамдард ва олижаноб инсонлар билан танишишади.

Фильмда замонавий технология ва янгича ёндашувлардан фойдаланилган. Унда юртимизнинг бетакрор табиат манзаралари жозибали акс эттирилган. Фильм муаллифи ва постановкачи режиссёри Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Абдухалил Менгноров. Бош роллари Карим Мирходиев, Фотиҳ Очиллов, Сайдулла Молдахонов ва бошқалар ижро этган.

Муҳаммад ҚАРИШБОВ,
ЎЗА мухбири.

Олтин мерос



Бўстонлик гўзал табияти, пуриқор тоғларини, шўх-шодон, баъзан сокин дарёлари, ям-яшил арчазор ёнқоқзорлари билан қилларни ром этмаган дейсиз?..

Не-не аллоҳлар, азиру мукаррам зотлар қадами теккан бу ҳосиятли замин истиклол туфайли беқийс улғуворлик касб этди. Бу борада муҳтарам Президентимиз шундай дейди:

ХОСИЯТЛИ ЗАМИН

"...Юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз авлиёлар, буюк аллоҳлар, олим ва мутафаккирлар ватани эканини, биз қандай бекор мерос, қандай улғув зотларнинг вориси эканимизни ким биларди? Миллий қадр-қийматимизни, барчамиз учун муқаддас бўлган диний қадриятларимизни, урф-одатларимизни писанд қилмай, улар аёвсиз топталган замонларда бундан ортқ алам ва бедодлик бўлиши мумкинми?"

Ҳақиқатан ҳам ўтмишда халқимиз кўпгина ноҳақликларни бошидан кечирар экан, доим бугунги дориларом кунларга интилиб, интиқиб яшади.

Яратганга шукри, бун-

дай бедодликлар ортада қолди. Истиклол шарофати билан ажодларимиз, аллоҳларимиз билан фатҳларини, гурури, ифтихори билан ёд этиш, улар чирогини ёқиб, қадимжоларини тиклаб, обод қилиш имконига эга бўлди.

Хусусан, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бевосита вилоят ҳокимлиги кўмағида кўпгина ёдгорликларнинг қадимжоларини тиклаб, обод қилиш имконига эга бўлди.

Бу ҳудуддаги табиий ёдгорликлардан бири Шайх Умар Валий зиёратгоҳида вилоят ҳокимлиги, "Олтин мерос" ва Халқаро Амир Темур хайрия жамғармалари вилоят бўлими ҳамкорлигида тадбир мамлакатимиз раҳба-

лар рўйхатга олиниб, таъмирланаётгани, баъзилари қўрам қиёфага кириб, зиёратчиларни мамнун этгани ҳам бор гап. Вилоят ҳокими "Олтин мерос" ва Уюм-Чотқол Давлат миллий табиат боғи бошқармалари ҳамкорлигида Тошкент воҳаси табиати, тарихи, маданияти ва ёдгорликларини тиклаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида тузилган яна бир лойиҳани тасдиқлаган эди.

Бу ҳудуддаги табиий ёдгорликлардан бири Шайх Умар Валий зиёратгоҳида вилоят ҳокимлиги, "Олтин мерос" ва Халқаро Амир Темур хайрия жамғармалари вилоят бўлими ҳамкорлигида тадбир мамлакатимиз раҳба-

ри таъкидлаганидек, халқимизнинг бой маънавий меросини қайта тиклаш, асраб-авайлаш мақсадида уюштирилди. Унда "Аждодлар мероси" – миллий маданият тарихимиз дурдонаси – "Боғистонлик" аллоҳлари – Шайх Хованди Тоҳур ва Хожа Аҳрор Валий, "Ким эди, бугун ким бўлди?" мавзуларида маърузалар тингланди. Иштирокчиларда катта таассурот қолдирган қизиқarli суҳбатлар якунида Шайх Умар Валий зиёратгоҳининг янги лойиҳаси ҳақида маълумотлар берилди. Халқаро Амир Темур хайрия фонди тарқатган аждодларимиз ва тарихий ёдгорликлар ҳақидаги китоблар тадбир иштирокчилари ва зиёратчиларга манзур бўлди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

От спорти

ЖАҲОН КУБОГИ ИШТИРОКЧИЛАРИ САРАЛАНДИ

12-14 сентябрь кунлари Бўстонлик туманидаги "Алтур" от спорти клубида Challenger конкур – тўсиқлардан сакраш

бўйича Жаҳон кубогининг саралаш мусобақалари бўлди. Бундай нуфузли мусобақа Ўзбекистонда илк марта ўтказилди.



Одамийлик шеваси

Шаҳар билан қишлоқ орасида қатнайдиган таксига бафурча жойлашаётган, Карамали шофёрга илтимос қилди:

– Ука, бир-икки сўм кўпроқ қира ҳақи берсам ҳам майли, шундоқ шаҳар бикинидаги шифохонага бош суқиб кетсак. У ерда неварам ётибди.

– Иштиёр буларда, – шофёр бизларга қараб елка учирди. – Ҳўп дейишса, майли, тўхтаб ўтмиш.

– Нима дейсизлар, укалар? – сўради Карамали бизларга юзланиб.

– Шифохонада кўп қолиб кетмасангиз, майли. Бу укалар ҳам йўқ дейишмайди, – дедим улар номидан ҳам изн берган бўлиб.

– Амаки, бозор бикинида турибмиз, неварангизга ул-бул олиб бормайсиз-ми? – сўради йўловчилардан бири.

– Э, йўқ, кунда-кунора онаси халта тўдириб келиб, хабар олади. Бизники қаричилик, юк кўтариб юрсак ярашмас. Бозорни кўчириб обдорам ҳам бу қургур анагалар кўрдим дейишмас. Бизники энди дийдор.

Манзилга етгач, ҳам-қишлоғим менга юзланди:

– Юр ука, ҳар ҳолда бир қишлоқданмиш. Икковлашиб кўриб чиқсак, неварамга ҳарна далда

бўлади. Эътироз билдирмай, эргашдим. Икки арслондай эркак куппа-қуруқ шифохонага кириб бораётганимиз менга эриш туюлди. Шундоқ темир панжара бикинидаги ой-

ич-ичига ботиб кетган, оёқлари махсус темир мослама билан кириб кўйилган ўғил болақайни аравачада олдимизга олиб чиқди. Болақай бизларга кўзи тушгач, юзини четга буриб, овозсиз

ўпмоқчи бўлди. Жасурбекнинг митти юрагига тоғдек араз бор эканми, кўлчалари билан юзини тўсиб олди.

– Жасурбек болам, ундай қилма-да. Бобонг сенга ажойиб ўйинчоқлар

шифохонада ярим йилдан буён ётибди. Хали тетик экансиз, тез-тез келиб турсангиз бўларкан. Қаранг, соғиниб кетганидан ўзини тугулмаяпти.

Болақай худди шуни кутиб тургандай, овозини кўтариб йиғлади. Энага ўйинчоқни Жасурбекка кўз-кўз қилди:

– Қара ўғлим, бобонг қандай чиройли машина олиб келибди. Катта бўлсанг, албатта мана шунасидан минасан.

Карамали худди шундай бўлиши керакдай, серрайганча турди-да: "Энди биз кетамиз", дегандай энагага ишора қилди.

– Жасурбек, энди вақт бўлди. Бобонгга нима деймиш?

Болақай кўлчаларини кўтарганча, бобосига зўрга хайр деди. Сўнг палатага етгунча, бошини биз томонга ўгириб, кўз узмай борди.

Мен ҳаётимдан илк бор яқинидан ногоҳ худо бўлаётган одам ҳолатига тушдим. Нега шундай бўлди, фахрламоқча идориким ожизлик қилади.

Карамали эса бундай вазиятларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган одамдай, машинага яхшилаб жойлашиб олгач, хуррак тортиб, уйкуга кетди.

Собиржон ИНОМОВ.

ТОШ ҚОТГАН ДИЙДАЛАР



наси очик дўконга кўз ташладим. Ойна пештоқига бир-биридан чиройли, энг замонавий моделдаги ўйинчоқ машиналар осиб қўйилган экан. Шулардан бирини харид қилиб, елим халтага жойлаб олдим.

Сўровимизга биноан энага уч-тўрт ёшлардаги, соғинчдан жажжи кўзлари

йиғлай бошлади. Ўртадаги ноқулай вазиятни изга солиш учун энага болани юпатган бўлди:

– Жасурбек, сен ўғил боласан-ку, бобонг сени кўргани келибди. Яхши бола бобосини йиғлаб кутиб олмайди.

Карамали набирасини ўтирган жойида бағрига босмоқчи, юзларидан

олиб келган, маза қилиб ўйнайсан хали, – дедим.

Болақай бобосига қаради. Шунда халтадаги ўйинчоқ машинани Карамали аканинг қўлига тутқаздим. Жасурбекнинг кўллари бобоси томон узатилди. Бўйиндан маҳкам қучганча, ҳўрсиниб-ҳўрсиниб йиғлади.

– Амаки, набирангиз

ПАРАЛИМПИЯЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ

АҚШнинг Колорадо-Спрингс шаҳрида дзюдо бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 1 олтин, 3 кумуш ва 4 бронза медалини қўлга киритди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги "Олимпия шон-шухрати" музейида нуфузли мусобақа қилиб ва совриндорларини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган юсак эътибор самарасида жисмоний имконияти чекланган фуқаролар ўртасида спортга қизиқиш тобора ортиб бораётгани таъкидланди. Бу уларнинг жамиятга фаол интеграциялашиши ҳамда

халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг 80 дан ортқ давлатидан 500 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар ҳамда 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XV ёзги Паралимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун беллашган мазкур Жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 15 нафар дзюдо-чимизнинг 8 нафари қилиб ва совриндор бўлгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда мусобақа қилиб ва совриндорларига совғалар топширилди.

ЎЗА.

Фестивалга марҳамат!

«СОҒЛОМ ВА МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ!»

Ёш авлодини мустақиллик гоҳлари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий адабиётга бўлган қизиқишини ошириш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўмағида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларида Соғлом бола йилига бағишланган "Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги!" шиори остида "Болалар китоби" республика фестивали ўтказилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, фестивалнинг бош тадбири жорий йилнинг 18-19 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрининг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида сайил тарзида ташкиллаштирилди.

19 сентябрь кунини "Туркистон" саройида фестиваль якунига бағишланган "Китоб – маънавият сарчасимаси" шиори остида театрлашган шоу-дастур намойиш этилди.

Фестивалда мамлакатимизнинг етакчи нашриётла-

ри томонидан чоп этилган болалар китоблари, жумладан, мумтоз адабиёт намуналари, энг сара адабий-бадиий асарлар, маънавий-маърифий, энциклопедик адабиётларнинг тағйимот маросимлари, шунингдек, болалар адиб ва шоирлари, ноширлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтди.

Барча китобсевар юртдошларимизни Республика "Болалар китоби" фестивалига қатнашиб эътиборини қилишга кутамиз!

"Туркистон-пресс".



МЕҲНАТ ЛАГЕРИДА ТАРБИЯЛАНДИ

АҚШ фуқароси Мэтью Миллер КХДРдан бошпана сўраб мурожаат қилган эди, амалда суд уни 6 йилга меҳнат лагерига ҳукми қилди.

Кореянинг марказий телеграф агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, америкалик мамлакатга қараётган пайтида КХДРга нисбатан душманларча хатти-ҳаракатлар қилган. У сайёҳлик мақомида бу ерга келгач, ўзининг кириш визасини йирити ташлаб: "Менга бошпана керак", дея қичқирган.

ШОТЛАНДИЯДА РЕФЕРЕНДУМ БЎЛАДИ

Британия қиролчаси Елизавета II узоқ сукутдан сўнг, нихоят, Шотландияда бўладиган референдум хусусида оғиз очди, дея хабар тарқатди Reuters агентлиги.

"Ишончлики, шотландияликлар мамлакатнинг келажаги хусусида қучур ўйлаб кўрадилар" деди қиролча. The Telegraph нашрининг маълум қилишича, референдум тарафдорлари ва унга қаршилар қиролчининг бу сўзларини турлича талқин қилишяпти. Шотландиянинг Бирлашган Қиролликдан ажралиб чиқиши ҳақида ташвиқот юристаётганлар: "Қиролча барча овоз берувчиларни тўғри йўлни танлаш учун обдон ўйлаб қўришга қажирди", демоқда. Британия парламенти аъзоси Саймон Данцук эса: "Елизавета II Шотландия аҳолисини Бирлашган Қироллик таркибидан қилиш учун овоз беришга қажирди", деб айтди. Агар аҳолининг кўпчилиги Бирлашган Қиролликдан чиқиш ҳақида овоз берса, Шотландия мустақил давлатга айланиди, гарчи Британия таркибидан қолса ҳам.

ЭЪЛОН

Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан 15.10.2010 йилда № 3626 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NEFT GAZ POLIAMID" МЧЖ Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан 10.05.2007 йилда № 2966 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NEFTGAZAPPARAT" ишлаб чиқариш корхонасига қўйилиш маълум қилади. "NEFTGAZAPPARAT" ишлаб чиқариш корхонаси "NEFT GAZ POLIAMID" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Чирчиқ шаҳар, Осппенко кўчаси, 14-А уй манзилида ёки (+99898) 368-63-36 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳриратий компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маълумот:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Телефонлар:

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.